



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 28 февраль, № 41 (7271) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАҲОН БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 февраль куни Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банки гуруҳлари ўртасидаги самарали шериклик жадал ривожланиётганини алоҳида таъкидлади. Кейинги йиллардаги изчил алоқалар ва конструктив мулоқот икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, уни янги истиқболли дастурлар билан бойитишга хизмат қилаётганини қайд этди. Ушбу нуфузли халқаро молиявий институт билан ҳамкорлик самарадорлиги ва унинг инвестициялари ҳажми салмоқли даражада ошди. Бугунги кунда банкнинг 4,5 миллиард долларлик имтиёзли молиявий ресурсларини жалб этган ҳолда амалга оширилган ва оширилаётган қарийб 40 истиқболли лойиҳа ўзаро ҳамкорлик портфелини ташкил этмоқда.

Улар рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, энергетика, транспорт, шаҳар ва коммунал инфратузилмани модернизация қилиш, илғор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш каби кўплаб муҳим соҳа ва йўналишларни қамраб олган. 2020 йилгача мўлжалланган узоқ муддатли Шериклик дастури доирасида ўтган йили банкнинг Директорлар кенгаши томонидан қиймати 1,4 миллиард доллардан зиёд янги лойиҳалар маъқулланди. Бундан ташқари, Жаҳон банкининг етакчи экспертлари солиқ тизими ва фуқаро авиациясини ислоҳ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Учрашувда Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳлари ўртасидаги кўп қиррали шериклик-



ни янада мустаҳкамлаш масалалари атрофида кўриб чиқилди. Банк-молия соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик ва иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, давлат корхоналари ва агроноат комплексини ислоҳ қилиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишга давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш каби йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш муҳим экани алоҳида таъкидланди. Иқтисодий кенгаш доирасида узоқ муддатли ҳамкорлик дастурини биргаликда ишлаб чиқиш юзасидан келишувга эришилди. Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллер давлатимиз раҳбарига самимий қабул ва банкнинг Ўзбекистондаги лойиҳаларини самарали амалга оширишга қарати-

лаётган юксак эътибор учун миннатдорлик билдирди. Меҳмон Ўзбекистоннинг қимматли қозғоғлари жаҳон фонд бозорларида муваффақиятли жойлаштирилгани, суверен рейтинглари олингани ва халқаро рейтингни ошгани мамлакатимизда янги босқичда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг халқаро эътирофи эканини алоҳида таъкидлади. Жаҳон банки Ўзбекистон ва бугун минтақанинг барқарор тараққиётига қўмаклашиш мақсадида мамлакатимиз билан ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлашга тайёр экани яна бир бор тасдиқланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҲАЁТИМИЗНИНГ БАРЧА СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ — УСТУВОР МАҚСАД

Бугун Тошкентда Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси очилади.

Кун тартибидан жамият ҳаётининг барча соҳасини изчил тараққий эттириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан кучайтиришга қаратилган 20 дан ортиқ масалалар урин олган. Шунингдек, сенаторлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг ҳамда адлия вазирининг ҳисобот ва ахборотларини эшитади. Қашқадарё вилояти ҳокими парламент вакилларига ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини тақдим этади.

Кеча парламент юқори палатасида кўмиталар ва Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссиянинг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Қонун ижросига эътиборсиз қараётган вазирлик танқид қилинди

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси мажлисида “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг Молия вазирлиги томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари таҳлил қилинди.

Сугурта фаолияти молия бозорининг бир қисми сифатида юртимиз иқтисодиёти ривожига муҳим ўрин тутади. Шу боис сугурта хизматлари ҳажмининг ошириш, уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини юксалтиришга жиддий эътибор қаратилади.

Бугунги кунда республикада соҳанинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган 30 та сугурта компанияси мавжуд бўлиб, улар томонидан ўтган йил мобайнида тўланган сугурта тўловлари ҳажми 461,1 млрд. сўмни ташкил этиб, 2017 йилдаги нисбатан 71 фоиз ошган. Сугурта компанияларининг инвестициялари ҳажми эса 2 трлн. сўмни ташкил қилди.

Ўрганиш жараёнида мазкур ҳужжатнинг ижросига масъул ваколатли орган — Молия вазирлиги томонидан бажарилиши мажбурий бўлган тўловга

қобилиятлилик нормативларини ҳамда уларни аниқлаш тартибига оид зарур меъёрларни ишлаб чиқиш каби масалаларга суҳбатчилик билан қаралмоқда. Айниқса, сугурта бозори профессионал иштирокчилари сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши ва тўловга қобилиятлиликнинг белгиланган меъёрлари ҳамда молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари бажарилишини назорат қилиш каби масалалар масъуллар эътиборидан четда қолиб кетаяпти.

Бунинг оқибатида сугурталанувчилар ёки сугурта объектларига нисбатан ноқонуний талаблар қўйиш орқали объектни сугурталаш ҳолатлари юзасидан ҳақли эътирозлар билдирилмоқда. Мавжуд муаммолар ўз вақтида барқарор этилмагани боис республикада бозор тамойиллари асосида сугурта бозорининг жадал ривожланиши таъминланмаган, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг сугурта бозорига нисбатан ишончи паст даражада қолаётди.



БИЗНЕС УЧУН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ҚАНЧАЛИК КЎП БЎЛСА, РЕЙТИНГДАГИ ЎРИН ҲАМ ШУНЧАЛИК ЮҚОРИЛАЙДИ

Маълумки, 2019 йил юртимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинди. Бу, аввало, мамлакат раҳбарияти томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини тўлатиш бажариш, иқтисодиёт, шунингдек, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифатини юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестициялар жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини англатади.

Жараён

Бинобарин, ушбу масала ўта муҳим ва долзарб эканлигиндан келиб чиқиб, республикамизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича комплекс ҳамда кенг миқёсли ишлар олиб бориляпти. Зеро, бундай муҳит сармоядорлар, хусусан, хорижий инвесторлар учун ҳам жозибадор бўлиши лозим. Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган ишлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам муносиб эътироф этилаётгани барчамизни бирдек қувонтирляпти. Жаҳон банки томонидан мамлакатдаги инвестициявий муҳит сифатини баҳолаш бўйича ҳар йили тузиладиган “Doing business” (“Бизнес юритиш”) рейтингини ушбу йўналишдаги энг машҳурдир.

Ишбилармонлик муҳити яхшиланиб борапти

Мана, 16 йилдирки, мазкур ташкилот энг қулай



Публицистика

ИНСОНГА ТАЪЗИМ ҚИЛ, МЎЙНОҚ!

Гавжум соҳил. Севикли ёрени кутгани ёки кузатгани чиққан келинчақлар нигоҳи оқ елканли кемаларга қадалган. Қўлларини ҳавода тинимсиз силкитаётган жувонларнинг ҳайқириғу қаҳриқлари денгизнинг беҳаловат тўлқинлари саси билан уйғунашиб кетмоқда.


Бундай манзараларни кинофильмларда кўп кўрганмиз. Орол соҳиллари илгари шундай сершовқин эди. Бир пайтлар бу ердан момолар ўғилларини урушга кузатган, оналар кемалар ортдан минора матчаси уфққа тутшиб, кўринмай кетгунча кўзёш билан термилиб қолган... Бу соҳиллардан балиқ овига чиққан эр йигитлар билан хайр-хушлаган опсингилларимизнинг оппоқ рўмоллари яқин-яқинларгача оқ байроқ каби хилпираб турарди.

Оролқумдан кўтарилаётган офат

“Мақсадимиз — коммунизм куриш, кейин, албатта, бахтли бўламиз” деган мазмундаги иншолар ёзганмиз эсимда. Аслида эса, “коммунизмда туз, керосин, гугурт,

кирсонун текин бўлармиш” дейишдан бошқасини билмасдик. Оролбўйида ҳам балиқчилик тортиб чорвадор деҳқонгача шу тушунча билан улғайди, яшади.

Бироқ дарёлар тортилиб, денгиз чекинаётгани ўтган асрнинг 70-йилларида маълум бўла бошлади. Ушунда ҳам бундан фақат тор доирадаги



мутасаддию мутахассислар хабардор эди. Саксонинчи йилларга келиб эса бундан оммадан сир тутишининг имкони қолмади. Сабаби денгиз соҳилидан жуда жадаллик билан 15 — 20 километргача орта чекинганди. Унинг ўрнида пайдо бўлган саҳрони эса 1987 йилдан “Оролқум” дея атай бошладик.

Бугун-чи? Улкан денгиз аввалги киргойдан 100 километр нарида! Тубида ҳосил бўлган Оролқум майдони эса 5,5 миллион гектардан иборат! Масалан, 1964 йили Оролдаги сув ҳажми 1083 км. кубдан ошган бўлса, ҳозирги кунга келиб, обихаёт микдори 15 баробар, денгиз сатҳи эса 29 метрга қисқарган. Айни дамда мазкур денгизнинг бир литр суви таркибида 150 — 300 граммгача туз мавжуд. Таққослаш учун мисол: океандаги шўр сувда бу кўрсаткич 18 — 24 граммни ташкил этади, холос.



2019 йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар:

2 219 километрлик янги тармоқ ҳамда 221 сув иншоотини куриш, 729 километрлик тармоқ ҳамда 163 та сув иншоотини реконструкция қилиш;

361 миллиард сўм миқдоридagi маблағ ҳисобидан электр ва газ таъминоти тизимини яхшилаш;

214,2 мингта яқка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш;

1 182 та кўп хонадонли уй-жойни таъмирлаш ҳамда 378 та кўп хонадонли уй-жой ҳудудларини ободонлаштириш.

ҲАЁТИМИЗНИНГ БАРЧА СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ — УСТУВОР МАҚСАД



Мажлиса мамлакат суғурта тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ушбу соҳа янада ривожлантириш борасида бир қатор асосли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

48 минг 225 нафарми ёки 55 минг 430 нафар? Қайси бирига ишонса бўлади?

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижросини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Бугунги кунда республикадаги 608 минг 528 нафар ногиронлиги бор шахсдан 47 минг 598 нафари (8 фоизи) Тошкент вилоятида истиқомат қилади. Сўнгги икки йилда худудда ногиронлиги бўлганлар сони 5,8 фоиз ортган.

Мажлиса ногиронлиги бўлганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Тошкент вилоятида қатор ишлар амалга оширилганига қарамастан, соҳада камчилик ва муаммолар мавжудлиги қайд этилди.

Жумладан, Қонуннинг 10-моддасида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни амалга оширувчи ташкилотлар тегишли объектларни ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўқинликсиз кириши имконини берувчи махсус мосламалар билан жиҳозлашни таъминлаш белгиланган бўлса-да, вилоятда бекатлар, светофор ва пидедалар йўлқачларини махсус мосламалар билан жиҳозлаш бўйича ҳеч қандай иш бажарилмаган.

Масъул давлат органлари ўртасида ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги статистик маълумотларни юритиш механизми яхши йўлга қўйилмаган, вазирлик ва идоралар ягона маълумотлар базаси яратилмаган. Масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумоти қараганда, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, Тошкент вилоятида 47 минг 598 нафар ногиронлиги бор шахс мавжуд бўлса, бу кўрсаткич Молия вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари Пенсия жағғармасининг маълумоти бўйича 48 минг 225 нафар, Давлат статистика қўмитаси маълумоти бўйича эса 55 минг 430 нафарни ташкил этади. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган, бу борада аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилмаган. Хусусан, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 2018 йил давомида Бандликка қўмақлашиш марказлари вилоят Тиббий-меҳнат экспертиза комис-

сияси томонидан 1 минг 109 та тавсия берилган бўлса-да, уларнинг бор-йўғи 56 нафари (5 фоизи) ишга жойлашган, холос.

Ун бир йиллик таълимга ўтилиши муносабати билан ихтисослаштирилган мактабларда синфхоналар етишмаслиги ҳолати ҳам юзга келмакда. Улар ўқув дарсликлари билан етарлича таъминланмаган. Натижада ушбу тоифадаги мактабларда умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлардан фойдаланилмакда. Жумладан, таълим рус тилида олиб бориладиган 9, 10-синф ўқувчилари учун “Давлат ва ҳуқуқ асослари” ҳамда “Иқтисодий билим асослари” дарсликлари умуман нашр этилмаган.

Мазкур долзарб масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди. Бу борада олиб борилаётган ишлар сенаторлар назоратида экани таъкидланди.

Муносиб КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

СИРДАРЁДА ЯНГИЛАНИШЛАР КЎЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан кам таъминланган оилалар фарзандларига “Халқ сўзи”, “Ёшлар овози”, “Молодёжь Узбекистана” газеталари, “Ёш куч”, “Дугоналар” журналлари ҳамда 5 нуска бепул обуна ташкил этилганини ҳақидаги гувоҳномадор топширилди.

Халқ таълими тизимидаги кутубхоналарга 3 минг нуска турли адабиётлар юқланган “Китоб карвони”ни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Китоблар Президентимиз ташрифидан қолганда тақдим этилган Сирдарё вилоятида китобхонлик тарғиботи бўйича концепция

доирасида Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси ҳузуридаги “Ижод” жамоат фонди томонидан туҳфа қилинди. Шунингдек, Гулистон шаҳрида Ёшлар маркази биноси қурилишига тамал тоши қўйилди. Унда 22 та тўғрақ фаолият юритишга, хусусан, ёшларнинг ахборот технологиялари билан янада муқамал шуғулланишлари алоҳида эътибор қаратилади. Тадбирда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қ. Қуронбоев, Сирдарё вилояти ҳокими Ф. Мирзаев иштирок этди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Анжуман

Таржимонлик соҳасини ривожлантиришда қандай муаммолар бор?

Ўзбек адабиёти дурдоналари чет тилларга таржима қилинганми? Жаҳон адабиётининг бугунги кундаги энг сара асарларини она тилимизга ўгириш нега суст кечмакда?

Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Интеллектуал мулк агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилган анжуманда шу каби саволларга жавоб изланди.

Тадбирда қайд этиб ўтилганидек, таржимонлик соҳасида кўпга ютуқлар кўлга киритилиши билан бирга, камчиликлар ҳам кўзга ташланиб турибди. Дунё ташқарлари томонидан қўлма-қўл бўлиб ўқилаётган баъзи асарларни Ўзбек тилида топа олмайсиз. Янгидан чоп қилинаётган таржима асарларининг кўпи қайта нашр ҳисобланади. Масалан, ўтган йили китобхоналарга тақдим этилган мингга яқин ана шундай асарларнинг 700 таси қайта нашр маҳсулидир.

— Мавжуд камчиликларни бартараф қилиш мақсадида уюшмамиз қошида жамоатчилик асосида таржима ва тарғибот маркази ташкил этишни режалаштирганмиз, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид. — Ҳозирги кунда юқори малака ва тажрибага эга таржимонлар гуруҳи шакллантирилмакда. Марказ фаоллари жаҳон ҳамда қардош тиллардан ўзбек тилига, ўзбек тилидан жаҳон ва қардош тилларга таржима қилиш билан шуғулланади.

Тадбирда бадий ва илмий асарларни ўзбек тилига ўгиришда муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя қилиниши юза-

сидан ҳам фикрлар билдирилди.

Интеллектуал мулк агентлиги қошидаги ўқув маркази директори ўринбосари Воҳиджон Аллаёровнинг қайд этишича, бугунги кунда ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини чоп қилиш ҳамда муаллифларга ҳақ тўлашда кўпга қонунбузилиш ҳолатлари мавжуд. Мисол учун, мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида ҳар хил сабаблар билан талабалар турли асарларни таржима қилишга мажбурланмакда, бундан-да хунуги — тайёр ишни ўқувчилар ўзининг номидан китоб ҳолида чоп этипти. Асарни ёзган шахс ҳаёт бўлса ёки унинг вафотида ҳали 50 йил тўлмаган бўлса, муаллифдан ёки унинг воридадан розилик олинмиши ҳам шарт.

Интернет-кутубхоналар, маърифий йўналишда фаолият олиб борадиган сайтларга жойлаштирилган асарлар ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

Тадбирда ижодкорлар учун белгиланган қалам ҳақи миқдорини ошириш, уй-жой олинмиши имтиёзлар жорий этиш ва бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

БИЗНЕС УЧУН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ҚАНЧАЛИК КЎП БЎЛСА, РЕЙТИНГДАГИ ЎРИН ҲАМ ШУНЧАЛИК ЮҚОРИЛАЙДИ



Бундай эзгу юмушларга янги ташкил этилган идора — Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ҳам муносиб ҳиссасини кўшиб келмакда.

Ишонч билан айтиш мумкинки, давлат хизматлари марказлари фўқароларнинг ҳокимият билан мулоқот қилишида самарали таъин нуктага айланган улғурди. Ўртимизда ҳар бир туман ва шаҳар аҳоли пунктларида ана шундай жами 201 марказ фаолият олиб борапти. Уларда барчага, жумладан, жисмоний шахсларга ҳам юзга яқин давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилган.

Аҳамиятисиз, 30 дан ортиқ хизматлар бизнеснинг турли тармоқларидаги салоҳиятли инвесторлар учун мўлжалланган. Ишбилармонлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, кадастр хизматлари кўрсатиш, лицензия ва рухсатнома ҳужжатларини тақдим этиш шулар жумласидандир.

Биринчи қадам — ЭНГ МУҲИМИ

Мамлакатимизнинг “Бизнес юритиш” рейтингидagi позициясини яхшилаш бўйича долзарб вазифалар давлатимиз раҳбарининг тегишли қароридa белгилab берилди.

“Бизнес юритиш” рейтингининг ўзи ўнта кўрсаткич бўйича баҳоланади. Бизнесни рўйхатдан ўтказиш кўрсаткичи улар ичида энг биринчиси.

Барчага аёнки, ўз бизнесини бошламакчи бўлган ҳар бир шахс учун уни тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш биринчи қадам ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказувчи орган эса давлат хизматлари марказларидир. Шундай экан, айнан ушбу кўрсаткич



бўйича позицияни яхшилаш вазифаси Адлия вазирлиги зиммасига катта масъулият юқлайди.

2018 йилда эълон қилинган рейтингда кўра, тадбиркорларни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича республикаимиз 190 та давлат ичида 12-ўринни эгаллади. Бу, албатта, яхши натижа.

Гап шундаки, ўртимизда тадбиркорларни рўйхатга олиш бўйича махсус автоматлаштирилган тизим яратилган. Бунинг шарофати билан давлат хизматлари марказларида бизнесни бор-йўғи 15 — 20 дақиқада рўйхатдан ўтказиш имконияти яратилди.

Уз навбатида, тадбиркорлик субъектини масофадан туриб, онлайн режимда рўйхатдан ўтказиш ҳам йўлга қўйилди. Бу усул қўлланилганда айнан электрон давлат хизматларидан фойдаланишларини қўллаб-қувватлаш учун давлат божи ҳажмининг ярми тўланмакда.

Бироқ мавжуд амалиёт тахлилуни шунки кўрсатилгани, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бўйича яратилган қулайликларга қарамай, ҳаётда ишбилармонлар бизнес билан тўла-

қонли шуғулланиш имкониятига эга эмас. Масалан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, тадбиркорлар рўйхатдан ўтганидан сўнг белгиланган тартибда ўз муҳри ва штамплари (нишонлари)ни тайёрлаши, тижорат банкида ҳисоб рақамини рўйхатдан ўтказиши, бу ҳақда солиқ ва бошқа органларни хабардор қилиши керак. Шунинг учун Президент қарори билан Адлия вазирлиги ва Давлат хизматлари агентлиги олдига ушбу жараёнларни оптималлаштириш (такимиллаштириш) бўйича қатор вазифалар қўйилди.

2019 йилнинг 1 мартдан бошлаб тадбиркорлар банк ҳисоб рақамларини масофадан туриб очиши мумкин. Қолаверса, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга мўҳр босилиши ёки ҳужжатларнинг мўҳр билан тасдиқланишини талаб этиш тартибини бекор қилиш ҳам режалаштирилган.

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари, жумладан, хорижий инвесторлар ҳам ўзларининг бизнес шериклари ҳақидаги маълумотларни махсус электрон тизим орқали текшириб олиш имкониятига эга бўлиши мўҳим аҳамият касб этади. Рўйхатга олинган мажбуриятлар, қамоққа олиш ёки бошқа чекловлар, лизинг мажбуриятлари ҳақидаги маълумотлар очик фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жойлаштирилади.

Инвесторларга алоҳида эътибор қаратилади

Буюк Британиянинг “Компанис хаус” компанияси илғор тажрибасига асосланган ҳолда, ишбилармонлар учун синов тарихисидa (тест режимидa) очик платформа ишга туширилди. Пиротартида сармоядорлар ва бошқа тадбиркорлар бўлажак бизнес ҳамкорига оид, масалан, рўйхатдан ўтган вақти, устaв жағғармаси миқдори, муассислар ҳақидаги маълумотларини онлайн режимида олиш имкониятига эга бўлди.

Бундан ташқари, давлат хизматлари марказларида инвесторлар учун махсус хоналар ташкил

этиляпти. Уларда инвесторларга ўз бизнесини бошлаб олиши учун зарур маслаҳатлар ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жараёни йўлга қўйилмакда.

Марказларда, шунингдек, салоҳиятли сармоядорлар учун махсус зоналар очилмапти. Бу ерда тадбиркорлар юридик шахсларга тақдим этилаётган хизматлар, имтиёз ва преференциялар, Ўзбекистонда бизнес ташкил этишининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги керакли маълумотларни олишда. Яқинда Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида очилган Давлат хизматлари марказида ушбу мақсадлар учун алоҳида хона жиҳозлаб берилди.

Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари портали фаолият юритмакда. Шу орқали эркин ҳамда кичик саноат зоналари, инвесторларга кўрсатилаётган хизматлар, имтиёзлар, инвестиция киритишнинг афзалликлари, инфратузилмалар, географик жойлашув, қолаверса, ушбу зоналар худудида жойлашган давлат мулк объектлари ҳақидаги батафсил маълумотлар бир неча тилда тақдим этилаётди.

Ишбилармонларга қулайлик яратиш мақсадида ушбу саноат зоналари дирекциялари қошида давлат хизматлари марказлари филиаллари пайдо бўлмакда. Уларда ҳам маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам берилмапти.

Умуман олганда, бу борада олиб борилаётган ислохотлар мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда унинг халқаро ҳамжамиятдаги ижобий имиджини шакллантириш учун кучли туртки бўлиб хизмат қилади.

Нўмон МУҲАММАДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори ўринбосари.

ИНСОНГА ТАЪЗИМ ҚИЛ, МЎЙНОҚ!



Шу туфайли ҳам бу ерда илгари мавжуд бўлган 38 турдаги баликлар қирилиб кетди.

Энди фожианинг қўлами ва оқибатларини теранроқ аниқлаб олиш учун қуйидаги маълумотларга мурожаат қилишнинг ўзи kiffo.

Ҳар йили бу ердан шомол ўз миллион тоннагача қум ва тузни кўтариб, юзлаб километрга учиради. Бу — табиий чанг эмас, балки ўтган аср асоратлари, Урта Осиёдаги пахта яққақоқимлигига асосланган деҳқончиликнинг табиатни, ёрни зурлаш сийсати оқибатида дарёлар, заҳкашлар билан оқиб келган гербицид, пестицид сингари заҳар-зақум моддалар билан қорилган тўзон. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Қорақалпоғистон минтақасининг ҳар гектарига қарийб 5 тоннагача шундай қум ва туз ёғиларкан. Ҳўш, энди Оролбўйи аҳли “зонтик” тутиб деҳқончилик қиладимми? Олинаётган нафас-чи? У қанчадан-қанча инсонларни оғир хасталикларга гирифтор қилаётганидан қўз юзиб буларканми?!

Утган йилнинг 27 май санасини ёдга олайлик. Уша кунги чанг-тузон инсоннинг табиат олдига оқизилгини яна бир бор исботлади. Оролқумдан кўтарилган тузли бўрон нафакат Қорақалпоғистон минтақаси ва Хоразм воҳаси, балки Бухоро, Навоий вилоятларидан ўтиб, Самарқандга, хатто қўшни Туркманистонда Дашуов, Лебав, Қозғистоннинг Қизилўрда, Туркистон худудларигача бориб етди. Бундан кўринадики, Орол фожиаси оқибатлари чегара ҳамда макон билмайди ва энг ёмони, у бутун Урта Осиё минтақаси тақдирига жиддий ҳавф солиб турибди.

Шу сабабли Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Орол денгизини қуриши билан боғлиқ офатнинг ҳақиқий киффасини бутун дунёга ошкор этди. Айниқса, фожаия харитасини кўрсатиб, жаҳон ҳамжамиятига “Мана, кўринг ва хулоса қилинг” деган гаплари юракларни ларзага солди. 2018 йил 24 август кўни Туркманбоши шаҳридаги “Аваза” сайёҳлик зонасида

булиб ўтган Оролни кўтариш халқаро жағғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари мажлисида ҳам Юртбошимиз ушбу глобал муаммага қўйилмакчи билан ёндашиб, фожаия оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, минтақанинг сув ва экология билан боғлиқ муаммоларига ечим топиши бўйича барча саъй-ҳаракатларни бираштириш таклифини билдирди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳафсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини ташкил этиш борасидаги ташаббусни илгари сургани ва бу БМТ томонидан қўллаб-қувватланганини таъкидлади.

Амалий саъй-ҳаракатлар эса ўтган йил ноябрисидa Президентнинг Мўйноққа ташрифидан сўнг жадал бошланиб кетди.

Булутлардан нажот борми?

Янги тонг отди. Эрталаб ижтимоий тармоқларда “Оролнинг аввалги қаддини 7 йилда тиклаш мумкин”, деган мазмундаги хабарни ўқиб, кўзларимга ишонмадим. Қаранг, шундай умидбахш лойиха юртдошимиз, Олимжон Юсупов томонидан тақдим этилиб, Инновация ривожланиш вазирлигида кўриб чиқилди. Олимжоннинг ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази директори Нурилик Мирзамуратов билан суҳбатини ҳам диққат билан эшитдим. Унда айтилишича, Ўзбекистонда Орол денгизини тиклаш учун сунъий булут ҳосил қилиб, ёмғир ёғдириш технологияси ишлаб чиқилибди. Ушбу тизим булутларни генерация қилиш ва кимёвий моддаларсиз сунъий ёмғир ёғдириш имконини бераркан. Мутахассислар ҳисоб-китобларига қараганда, шу йўл билан денгизни қайта тиклаш учун 5 — 7 йил керак бўлар экан.

Марра эса юксак — ўтган асрнинг 60-йилларидаги сув миқдорини қайтариш, Оролбўйидаги мувозанатни тиклаш. Энг муҳими, ушбу технология хорижий муҳбирларидан бир неча баробар арзонга тушар экан. Олимжон Юсуповнинг қайд этишича,

техник нуктаи назардан барчаси тайёр. 2019 йил апрелдан тажрибавий тизим ишга туширилади ва Мўйноқ яқинида жойлаштирилади. Синов режими қўйилган натижани берса, сўнг уни бошқа худудларда татбиқ этиш масаласи кўриб чиқилади.

Денгиз чекинса ҳам, инсон чекинмайди

19 январь. Ярим оқшом майдалаб ёға бошлаган қор йирқилишиб, чор-атрофини поқликка буркади. Эримай ташқарига чиқиб, қалинлигини ўлчамдим: 15 — 20 сантиметрга етибди. Демак, бу йил сахро гуллайдими, чорва йили бўлади... — Тўхта, — дедим ўзимга ўзим, — бир томонинг оқмаётган дарё, нариги томонинг қарқанган Орол, яна ёққан қорга қувонинг бало борми?! Денгизнинг қуриган тубига саксовул экамиз, Оролқумни ўрмонзорга айлантирамиз, дея 2 000 дан зиёд кишилар 500 дан ортиқ техникалари билан ҳаракатга киришганда, сен қор ёққанига махлиб бўлиб ўтирибсан! Нуқсус ёққан қор Оролқумга ёғмайди? Бечора йилгитларнинг шалабоси чиққандир? Оролқум осмонидa анчадан буён қарғалару чағалаярлар билан бўлак ҳеч нарсa учмаганди. Янги йил тонги отиши билан “Ан-2” самолётлари ҳавога кўтарилиб, бу майдонга тепадан саксовул уруғларини сепади. Бир пайтлар куну тун ишлаган, бирок чорак асрдан буён хувилаб ётган Мўйноқ аэропортига самолёт кўчди.

Далилларга назар ташлаймиз: муस्ताқиллик йилларида Оролбўйидаги саксовулзорлар 400 минг гектардан ортиқ майдонни эгаллаган. Бироқ барча кўчатлар ҳам тутиб кетгани йўқ. Эндиликда эса Президентимиз топшириғи билан 500 минг гектар ерга кўчат еқилляпти. Унлаб ҳайдов ва чопиқ тракторлари ёрдамида тортилаётган ариқларга 50 сантиметр қучурликда саксовул қадалмакда. Бундан қўйилаётган натижаларни тасаввур қилишнинг ўзи мароқли. Ахир бирикми йилдан сўнг Оролқум ўрнида миллионлаб туш дарахлар буй чиша, кўп буронларнинг түсиб қолишга қодир “ўзсиз қалқон”лар пайдо бўлса, қанчадан-қанча муаммоларнинг олди олинади-да!



Энг муҳими, Президентимиз ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, хайри ишга бош қўшаётганлар ҳам кўп. Қаранг, Бериунлик саксовулчи фермер Оролға ёрдам тариқасида саксовул экаётган йилгитларга 3 тонна гўшт етказиб берибди. Қўнйрот, Чимбой, Ҳўжайли ҳокимликлари ҳам моддий ёрдам қилини чўзубди. “Мўйноқ — 2019” хайрия жағғармаси ташкил этилгани ҳам миллионлаб юртдошларимиз зўр мамнуният билан қарши олди. Жағғарма ҳисоб рақамига мамлакатимиз аҳолиси томонидан миллиардлаб пул маблағлари туширилгани бунинг яққол тасдиғидир. Шу маънода, Оролқумни ҳақиқий чўл ўрмонига айлантириш тадбири бутун Ўзбекистонни ҳаракатга келтирган улуг иш бўлди, десак, янгилишмаймиз.

Бугина эмас. Денгизни асраш бўйича тавсия қилинаётган юзлаб лойихалардан бир қанчаси аллақонан амалиётга ҳам татбиқ этилмакда. Ҳавзанинг чекинган майдонларига чорвабон экинлар уруғини сепади, балкичиликни урчиғиш мақсадида майда кўллар барпо этиш, худудда урбанизация сийсатини амалга ошириш кабилар шулар жумласидан.

Қолаверса, ижтимоий тармоқлардаги Орол бўйича билдирилаётган тақлифлар орасида Оразбай Собировнинг сунъий тоғ яратиб, шомолларни түсиш орқали, маҳаллий микроклим яратиш таклифи ҳам қанчалик мураккаб иш бўлмади, ўйлаб қўришга арзийди.

Шу ўринда ўзим ҳам бир тақлифни ўртага ташламақчиман. Тахиятот сув омборидан шимолий худудларни охиёбат билан таъминловчи 4 та канал бошланади. Бироқ ҳавза ишга туширилганидан буён қарийб 45 йил ўтган бўлса-да, у ҳали



бирон марта таъмирланмаган. Аксинча Амударё оқими орқали келган лойка билан сазеланиб, ҳажми кичрайиб қолган. Агар қиш мавсумида бу ерга сув тўланиб, йилнинг қолган 9 ойида тўртта каналнинг табиий оқими таъминланса, шимолий туманларга ичимлик, деҳқончилик ва чорва эҳтиёжлари учун етиб ортадиган сув етказиш мумкин, деб ўйлайман. Реконструкция лойихаси, ҳисоб-китоблар шу соҳанинг мутахассисларига ҳавола. Ана шу бунёдкорлик янги иш ўринларини яратиб, сўнгра ҳавзада балкичиликни ривожлантириш ва шимолий худудни муътадил оқимдаги сув билан таъминлаш имконини берарди.

Олис тумандаги янги тамаддун

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 15 ноябринда Мўйноқ туманига ташрифидан қолганда янги диллимиздаги гапни айтди: “Орол фожиасидан энг кўп зарар кўрган асли шу — Мўйноқ аҳолиси. Уларнинг асби-қаноти, ватанпарварлиғи, меҳнатқилиғи учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак”. Туман истиқболига оид режалар билан танишар эканмиз, Мўйноққа денгиздан бурун янги тамаддун кириб келишига ишончимиз янада ортди. Оролқумда “Мўйноқ сити” қурилади, дастлабки 38 та кўп қаватли тураржойнинг лойихаси ҳам тайёр, дейишди. Ана, урбанизация тўғрисидаги қарор қудратли!

Бундан ташқари, саноат соҳасида 12 та, қишлоқ ҳўжалигида 5 та, таълим қўрсатиш йўналишида 14 та лойиха рўёбга чиқарилиши режалаштирилган. Ижтимоий соҳа объект-

ларини қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича лойихалар ишлаб чиқилган.

Бинобарин, туманда 10 та хусусий мактабга таълим муассасаси, “Янги Мўйноқ” шаҳарчасида дастурлашни чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган инновацион мактаб, болалар музика ва санъат мактаби, ёллик сузиш ҳавзаси қурилади. Стадион ҳамда болалар ва ўсимирлар спорт мактаби биноси реконструкция қилинади.

СОХТА ТАДБИРКОРЛИК ВА ЯРАДОР ЗАМИН

ЁХУД ЧИРЧИК ДАРЁСИНИНГ КЕЧАГИ ҲАМДА БУГУНГИ АҲВОЛИ ХУСУСИДА



Чирчиқ дарёсининг суви зилол ва мусаффолиги билан алоҳида ажралиб турган. Фарбий Тянь-Шань тоғларидаги қор ҳамда музликлардан тўйинган Чотқол, Кўксув ва Пском дарёлари ниҳоятда шўх, тошдан-тошга урилиб оқиб, Чорвоқ сув омборига қуйилгач, тин олади. Маҳаллий аҳоли тоғ дарёлари сувини “пишган”, дея шифобахшлигини эътироф этишининг боиси ҳам шундадир, балки. Ана шу сув ва кейинчалик қўшиладиган тезоқар Уғом дарёси Чирчиқнинг асосини ташкил қилади. Манбаларда келтирилишича, унинг узунлиги 454 километр, ҳавзасининг майдони 14 минг 240 квадрат километр. Табиати ҳам гўзал. Флора ва фаунаси бой. Халқ орасида ҳавонинг тозаси, сувнинг зилоли, ўтнинг ширини, деб таърифланган замин Чирчиқ дарёсининг соҳиллари бўлса, ажаб эмас. Бугун-чи?..

Бугун Чирчиқ дарёси соҳилларида бўлган киши бу гўзал таърифларга ишонқирамай қолиши рост гап. Нега десангиз, дарё ўзани, соҳиллари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган.

— Бу ерларда қуш ва балиқлар, ёввойи ҳайвонларнинг юзга яқин турлари бўлар эди, — дейди қибрайлик ҳаваскор овчи Зокиржон Шукуров. — Ҳозир улар камайиб, бутунлай йўқолиб кетиш арафасида.

— Соҳилга боққан кишининг дили яйраб, кўзи қувнар эди, — дейди чирчиқлик маҳалла фаоли Маҳмуд Мирзаев. — Табиат гўзаллиги, айтиш жоиз бўлса, сохта тадбиркорлик қурбони бўлди. Бугун соҳиллар ярадор заминни эслатади.

Табиийлигини йўқотиб бормоқда

Масаланинг энг аянчили томони шуки, Чирчиқ соҳиллари кун сайин, аниқроғи, соат сайин табиийлигини йўқотиб бормоқда. Ундан ҳар кун тўри ва эгри йўллар билан минглаб машиналарда тош ҳамда шағал олиб чиқиб кетиляпти. Дарвоқе, соҳилга ўқтин-ўқтин юк билан кираётган машиналарни ҳам учратиш мумкин. Бу юк — қурилиш ва маиший чиқиндилар. Дарё соҳилининг айрим ҳудудлари сунъий чиқиндихонага айлантириб юборилган.

териаллари тўпланиб қолган ва тозаланиши лозим бўлган участкалар рўйхати шакллантирилди.

Норуда фойдали қазилмалар, яъни кум-шағал аралашмаларини хом ашё сифатида олишнинг қонуний йўллари мавжудлигига қарамасдан, Чирчиқ дарёси атрофида жойлашган тош майдалаш билан шуғулланувчи баъзи бир тадбиркорлар шағални бошқа жойдан олиш йўлига ўтиб олишган. Шу мақсадда уларга балиқчилик ҳўжалиги ташкил этаётган тадбиркорлар кўл келиб қолди.

Аслида, чавоқ ташланадиган ховуздан олиннадиган шағал унинг атрофида ташланиб, дарё ховзуни ювиб кетмаслиги учун дамба вазифасини бажари-

ли тош ва шағал дарё қирғоқларидан олинмоқда. Натижада дарё кенгайиб, сув оқими ўртасида кўплаб оролчалар ҳосил бўлаётди. Сув дарё ўзанида мутаносиб оқмаётганилиги, сув ювиш ҳолларининг рўй бериши сабаблари ҳам шунда. Сергели туманидаги янги кўприкнинг кун сайин нобоп аҳволга келиб қолаётганилиги бунга ақвол мисолдир. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг “Хавфсиз дарё” қорхонаси ўз ишини янада такомиллаштириши лозим.

Ўзан ювилиши ва сув сифати бузилишининг яна бир сабаби

Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, Чирчиқ дарёсининг Бўстонлик, Юқори Чирчиқ, Қибрай туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳри ҳудудларидан оқиб ўтувчи 50 метрлик қирғоқ бўйи полосасида жойлашган объектлар сон 274 тани ташкил этди. Шундан ишлаб чиқариш қорхоналари 4 та, карьерлар 3 та, автотранспорт қорхоналари 2 та, экинзор ва боғлар 4 та, балиқчилик ҳўжалиги битта, томорқалар 5 та, дала-ҳовлилар 224 та, уй-жойлар 14 та, ошхона ҳамда ресторан битта, сув иншоотлари 2 та, шунингдек, бошқа қурилмалар 14 та.

“Балиқ бошидан...” деганларидек, энг кўп объектлар Бўстонлик тумани ҳудудида жойлашган янада таассуфли. Жумладан, дарёнинг шу туман ҳудудидан ўтувчи қисмида 157 та объект жойлашган бўлиб, шундан 118 таси дала-ҳовли, 14 таси яшаш хонадон, 4 та экинзор ва боғ, битта ошхона ҳамда ресторан, 2 таси сув иншооти объектидир.

Дарёнинг Чирчиқ шаҳри ҳудудидан ўтувчи қисмининг муҳофаза минтақасида жойлашган ноқонуний объектларнинг 6 таси автоқорхона, 3 таси ошхона ва

сон 203 тадан иборат. Пойтахтнинг дарё кесиб ўтадиган туманлари ўртасида Яшнобод ва Сергели туманларидан кейин Бектемир туманида қайд этилган. Бу объектларнинг барчаси Чирчиқ дарёси ўзанининг ювилиши ва ўзгарishiга, сув сифатининг бузилишига сабаб бўляпти.

Тартибсизликлар шу даражага бориб етганки, дарё қирғоғида жойлашган қорхона раҳбарларининг ўзи хон, қўлан-қаси майдон бўлиб қолди. Қорхона ва ҳўжаликларнинг ифлос оқовалари дарёга оқизиладиган бўлди. Соҳил чиқиндихонага айланди.

қармаси бошлиғи Феруз Ҳимматов. — Уни авайлаб асраш, қирғоқларини мустаҳкамлаш, ноқонуний объектлардан тозалаш, сув, тош ва шағал сарфини тартибга солишда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бор имкониятларимизни ишга соляпмиз.

Дарвоқе, ҳамкор ташкилотлар сони ўндан ортиқ. Хар бирининг ўз вази-фаси бор. Бироқ ҳамма гап ана шу вази-фаларнинг қандай бажарилаётганилигида. Агар улар ўз масъулиятларини оширганларида Чирчиқ дарёси ўзани бугунгидек аянчи аҳволга келиб қолмас эди.

Хусусан, Бўстонлик тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ ва Уғом дарёлари ҳамда Чорвоқ сув омбори муҳофаза зонасида жойлашган 199 та объектга оғоҳлантириш хатлари тарқатилиб, сув ҳавзаларига тўғридан-тўғри оқова сувлари ташланганлиги ва белгиланмаган жойларга чиқиндилар тўкилганлик ҳолатлари учун 56 нафар айбдор фуқарога Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 82/2, 91/1 ҳамда 72/1 моддалари билан маъмурий баённомалар тузилган. Бундан ташқари, туманининг “Бештут” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёсининг муҳофаза минтақасида А. Фуломов, Ж. Ашурматов, Х. Аширов, Г. Ҳакимова ҳамда Б. Раҳмонов боғ барпо этиш учун ажратилган ер майдонига ўзбошимчалик билан турли қурилмалар қуриб олганилиги аниқланган. Ҳозирги кунда 5 та чўмилиш ҳавзаси буздирилиб, қолганларини суд орқали бузиш бўйича тўпланган ҳужжатлар туман ҳокимлигига тақдим этилган. Бўстонлик тумани “Нурчилар” МФЙ ҳудудидида 80 та дала-ҳовлининг оқова сувларини марказий канализация тармоғига улаш ишлари бошлаб юборилди.

Булар, ўз навбатида, Тошкент шаҳрини сув билан таъминловчи йўрик иншоотлар фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тавқидлик жоизки, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри аҳолиси соғлиғига зарар етказишининг олдини олиш, сувнинг ифлосланишига барҳам бериш, сув ресурсларини тежаш ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳамда ичимлик сувига бўлган талаб ортиб бораётганини инобатга олиб, бир қатор тақлифларни илгари сурмоқда. Жумладан, мутахассислар фикрича, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Чирчиқ дарёси қирғоқбўйи полосасининг 50 метрлик қисмида жойлашган экологик потенциал хавфи 335 та объектни бошқа жойга кўчириш масаласини кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, дарёнинг 250 метрлик сувни муҳофаза қилиш зонасидаги объектлар ва (сув ҳўжалиги иншоотларидан ташқари) дала-ҳовлиларда ҳосил бўладиган оқова сувларни марказлашган канализация тармоғига улашни атрофлича ўрганиш, 50 метрлик қирғоқбўйи ерларини ўрмон ҳўжалиқларига бириктириш ва ўрмонзорларни барпо этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳокимликлар томонидан Чирчиқ дарёсининг сув муҳофазаси минтақасида ер танлаш ва ажратиш-ни тўхтатиш зарур.

Бундан ташқари, Чирчиқ дарёсининг ифлосланишига йўл қўймаслик мақсадида дарё бўйидаги қорхоналардан чиқаётган оқова сувлар локал тозалаш иншоотларида тозаланганидан сўнг очиқ сув ҳавзаси ёки канализация тармоғига ташлиниши ваколатли органлар қатъий назоратга олиши зарур. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида дарёнинг ер усти ва ер ости сувларини ифлослантирмаслик, дарё қирғоқларига чиқиндилар тўкиб кетилишига йўл қўймаслик мақсадида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш керак.

Буларга қўшимча равишда дарё ўзанидан шағал ва бошқа инерт материаллари олишни тартибга солиш, қирғоқ эрозияси ва сув ювишларининг олдини олиш, демалки, дарёни асл ҳолида келажак авлодга қолдириш масалалари хусусида ҳам ўйлаб кўриш лозим. Қолаверса, дарё ўзанида балиқчилик ҳўжалиқлари ташкил этиш нечоғли мақсадга мувофиқ?

Ҳаддан зиёд исрофгарчиликни кўрган мазкур ҳудуд қариялари “Бу сенга Чирчиқнинг шағалими?..” дея дашном беришади. Уларнинг наздида дарёдаги тош ва кум шу қадар кўпки, сира ҳам тугамайди деганларидек, “Ўтиб еганга тоғ ҳам чидамас” деганларидек, Сирдарёнинг куми тугаб бормоқда, Чирчиқ шағалининг ҳам охири кўриниб қоляпти.

Исрофгарчиликка қарши ўйлаб топилган “Бу сенга Чирчиқнинг шағалими?..” деган ибора вақт-соати келиб айнан унинг ўзига қарата ишлатилиши ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган бўлса керак.

Иил йилга ўхшамайди. Сув кўпайиб, соҳиллардаги ҳавзаларнинг ювилиб кетмаслигига ҳеч ким қаролат бера олмапти. Илло, Чирчиқни, қолаверса, мамлакатимиздаги бошқа дарёларни муайян вазирилик ёки ташкилот тасарруфига бериш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керакмасмикин?..

— Бизнинг Жалоир қишлоғимиз дарё соҳилига яқин жойлашган, — дейди яна бир суҳбатдошимиз — Урта чирчиқлик пенсионер Маҳмуд Раимбоев. — Йиллар давомида артезиан қудуддан сув ичиб келганмиз. Дарёдан қум ва шағал олиनावергач, сувимиз тортилиб кетди.

— Бугун дарёга обиҳаёт манбаи эмас, тош ва шағал манбаси, яъни кон сифатида қаралмоқда, — дейди чинозлик эколог Одилов Исахонов. — Шу боис унинг эгаси йўққа ўшайди. “Меники” ва “Бизники” деган иборалар ўртасида жуда катта фарқ бор, ахир.

— Чирчиқ сувини ичиб катта бўлганмиз, — дейди газалкентлик Ортиқжон ая Холтоева. — Энди эса кўл чайинг ҳам келмайди.

Суҳбатдошларимизнинг ҳар бири ўз фикрини ёқлаб, кўплаб далиллар келтирди. Буни аниқ таҳлиллар ҳам кўрсатиб турибди.



Дарёга “хужум” шу қадар қақшатқич равишда уюштирилмоқдаки, айрим ҳудудларда дарё ўзанининг кенлиги 2 километрдан ошиб кетган. Бу табиий ҳолатдан 3-4 баробар кўпдир.

Нима истеъмол қиляпмиз?

Чирчиқ Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолисини ичимлик суви билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланади. Шундай экан, истеъмол қилинаётган сув сифати қандай? Афсуски, бу борада ижобий фикр билдира олмаимиз. Чунки дарёнинг вилоят ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмидан 2018 йилда олинган лаборатория таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, Чирчиқ шаҳрининг “Оққовок” МФЙ ҳудудидан бошлаб Роҳат қўлигача бўлган ораликдаги дарё суви таркибидан азот аммоний микдори белгиланган меъёр (0,39)га нисбатан 5,3 бараварча ортанлиги кузатилган. Худди шу ораликда азот нитрат моддаси ҳам белгиланган меъёр (0,02)га нисбатан 25 бараварча кўпайгани ҳақида маълумотлар бор. Темир моддаси микдори эса Қибрай тумани Байтўқроғон қишлоғидан Роҳат қўлигача бўлган ораликда 27 марта ортиб кетган.

Шунингдек, Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёсида азот нитрат моддаси Бектемир туманидаги Бектемир сув тозалаш иншооти атрофидан бошлаб Сергели туманидаги янги кўприккача бўлган масофада меъёридан 1,5 баравар зиёдни ташкил этмоқда. Шу кўприккача масофада муяллақ моддалар 3,2 баравар, мис 14 баравар ортанлиги аниқланган. Ана сизга юқорида зилол сувли ноёб табиатли, дея таъриф берганимиз — йирик дарёнинг бугунги аҳволи!

Яна бир жиҳати, вилоят экин майдонларининг 70 фоизидан ортиғи мазкур дарёдан, ундан ажралиб чиқадиган каналлардан сув ичади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик суви ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 49 ва 50-моддалари талаблари бузилишига йўл қўйилган.

Қирғоқлар эрозиясининг олдини олиш, уни мустаҳкамлаш ишлари эътибордан четда қолиб кетмоқда.

Ваҳолонки, бу ишлар учун мамлакатимизда қулай шарт-шароитлар яратилган. Яъни Президентимизнинг 2017 йил 25 сентябрдаги “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида дарёлар ўзанининг тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сел, тошқин ва ер кўчкиси хавфи бўлган туманларда қирғоқни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш ишлари бўйича ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядлари ташкил этилган. Тошқин ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор кўчки ва ер кўчки ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарорларига асосан, бошқа ташкилотлар томонидан фақатгина тошқин сувлари ва сел оқимларини ўтказиб юборишнинг имконий сизлиги билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Бунга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги “Дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини электрон онлайн-аукцион орқали жалб қилиш тартибининг жорий этиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан заруратга кўра олиб борилган ўрганмишлар натижалари бўйича дарёлар ўзанларида кум-шағал ма-

ши керак. Вақти-соати келиб, ҳўжалик тугатилганида тош-шағал қўйиш ташлини, ҳудуд рекултивация қилиниши белгилаб қўйилган. Лекин “Саксонота” ўрмон ҳўжалигининг Қибрай тумани ҳудудига жойлашган “Delta Leasing” МЧКда балиқчилик ҳўжалиги ташкил этиш учун 6 гектар ер майдони берилган бўлиб, тадбиркор томонидан балиқчилик ҳовузи қавлалиши жараёнида ҳосил бўладиган шағал тош саралаш қорхонаси-га ҳада қилиб юборилган. Ўзига хос алмашув: тош қорхонага, ҳовуз балиқчилик ҳўжалигига.

Балиқчи билан суҳбатда бир неча марта қанча маҳсулот етиштиргани ҳақида сўрадик. У эса банкдаги маблағини рўқач қилишдан нарига ўтмади. Бу маблағ тош сотиб, жамғарилгани ёки балиқ сотиб тўпланганими? Бу бизга ҳамда бизга ҳам-қорлик қилган вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси масъулларига қоронғилигича қолаверди.

Ҳаддан зиёд исрофгарчиликни кўрган мазкур ҳудуд қариялари “Бу сенга Чирчиқнинг шағалими?..” дея дашном беришади. Уларнинг наздида дарёдаги тош ва кум шу қадар кўпки, сира ҳам тугамайди деганларидек, “Ўтиб еганга тоғ ҳам чидамас” деганларидек, Сирдарёнинг куми тугаб бормоқда, Чирчиқ шағалининг ҳам охири кўриниб қоляпти.

Исрофгарчиликка қарши ўйлаб топилган “Бу сенга Чирчиқнинг шағалими?..” деган ибора вақт-соати келиб айнан унинг ўзига қарата ишлатилиши ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган бўлса керак.

Белгиланмаган жойлардан норуда фойдали қазилмаларни ноқонуний равишда қазиб олиш бўйича 79 та ҳолат аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан, жами 163 млн. 648 минг сўм микдоридан жарима ҳамда 121 млн. 665 минг сўм микдоридан келтирилган зарар ҳисобланиб, ундириб олингани бу ишга янада жиддий аҳамият беришни талаб этади, назаримизда. Чунки айнан назоратнинг сустиги туфай-



Республикаси Қонунининг 99 ва 100-моддалари “Сув ва сув объектларини чиқит ва чиқиндилар билан ифлослантиришдан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги каби Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда сув объектларининг муҳофаза қилиш зоналари, соҳилбўйи минтақаларида ва санитария муҳофазаси зоналарида, ер ости сувлари ҳосил бўладиган ҳудудларда ҳўжалик фаолияти юритиш тақиқланган бўлса-да, маҳаллий ҳокимликлар томонидан дарёнинг муҳофаза зонасида турли объектлар жойлаштирилган.

Имкониятлар ишга солиняпти, лекин...

— Чирчиқ дарёси нафақат табиати-миз кўрки, балки фаҳри ҳамдир, — дейди Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бош-

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ ДЕҲҚОНЛАР ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИГА МУРОЖААТИ

Азиз миришкор деҳқонлар ва томорқа ер эгалари!

Улкан ўзгаришлар, оламшумул янгиланишлар даврида яшамокдамыз. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан халқимиз ҳаёт даражасини, турмуш фаровонлигини ошириш борасида узокки қўлб олиб борилаётган ислохотлар самарасидан кўнглимиз тордек юксалмоқда, қалбларимиз гурурга тўлмоқда.

Ўртимизнинг барча ҳудудларида меҳнатидан барака топаётган тажрибали деҳқонлар кўпчиликини ташкил этади. Томорқа — ҳар бир оиланинг бамисоли хазина манбаи, мўъжаз гўшаси. Айни вақтда мамлакатимизда 4,5 миллиондан ортиқ деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари 445 минг гектардан зиёд экин майдонида меҳнат қилмоқда.

Серхосил еримиз, даромад олишга томорқамиз бор экан, доимо ундан унумли фойдаланиш, хонадонларимизни обод, яшаш шароитимизни намунали тарзга келтириш пайдидан бўлайлик. Бу каби тартиб-таомил асосида улгайган фарзандларимиз ҳам яхши яшашга интилиб, ўз келажаги учун астойдил ҳаракат қилади.

Деҳқончиликда баҳорнинг бир куни йилга татийди. Кўпни кўрган, тажрибали деҳқонларимиз фасллар алмашаётган, табиат уйғонаётган ушбу бетакрор паллада қандай юмшларни бажариш зарурлигини жуда яхши билади. Об-ҳаво, иқлим инжиқликлари билан курашавериш пишган деҳқонларимиз айна кунларда ҳар бир дақиқани ганимат билиб, ундан унумли фойдаланади. Барча томорқа ер эгаси сабазвот, картошка, полиз махсулотлари ва мевалар етиштириш, оила эҳтиёжидан ортиганини бозорга чиқариш

орқали қўшимча даромад топишга ҳаракат қилади.

Бугунги кунда деҳқонларимиз ва томорқа ер эгаларининг олдида турган биринчи галдаги вазифа ўз ҳовлиси, томорқаларини тартибга келтириш, ерга уруғ қадашга тайёрларлиқ қўришдир. Бунинг учун ҳовли, экин экиладиган майдонларнинг ариқлари хас-хашаклардан тозаланиши, мевали дарахтларнинг таглири юмшатилиши, турли зараркундалардан ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг танаси оқланиши керак. Чунки ҳозир мевали дарахтларга ҳам турли зараркундаларга қарши ишлов беришининг айна вақти. Бу ишлар амалга оширилса, ҳовлилар, хонадонлар обод бўлади. Зеро, **обод маҳалла обод хонадонлардан ташкил топади.**

Иккинчидан, ҳар бир томорқа эгаси тезда ерни экишга тайёрлаши, кузда шудгорланмай қолган ер бўлса, тезда ағдариб, текислаб, маҳаллий ўғитга солиштириб, эртаги сабазвот, картошка, полиз экинлари уруғини қадашга тахт қилиб қўйиши, плёнка остига экиладиган экинларни эса кенчиктирмасдан экиши зарур.

Учинчидан, ҳар бир хонадон эгасига бир ой давомида томорқасининг ҳар бир сотиғи ҳисобига ўртача 1 тупдан, бир томорқада ўртача 10 туп ҳудудга мў болган сердаромад ва ҳосилдор мевали дарахт кўчатини экиши тавсия этилади.

Тўртинчидан, ҳар бир деҳқон томорқа қўшимча даромад манбаи эканини доимо ёдда сақлаган ҳолда, мавжуд экин майдонларидан уч мартагача ҳосил олиш учун астойдил ҳаракат қилиши, бу ерда ҳар бир хонадонда 1-2 сотиқли ичма иссиқхона қуриш орқали илгор деҳқонлар тажриба мактабини ўзлаштириши зарур.

Бешинчидан, ҳар бир хонадон эгасининг имконияти ва лаёқати қараб, 100 та товук, 20 та қурқа, 10 та қўй ёки эчки, 2-3 қўти асалари уяси, туяқуш ва бошқа чорва молларини боқиш ҳам оила даромадини кўпайтиришга хизмат қилади.

Хурматли маҳалладошлар!

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлардан қўланган мақсад — иқтисодий фойда қўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Шу сабабли **25 февралдан мамлакатимизда деҳқончилик бўйича долзарб ойлик**, деб эълон қилинди. Бу ойлиқни ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, кўпни кўрган, деҳқончиликда суяғи қотган нурунийларимиз ўз маҳоратларини ёшларга етказиши учун тажриба мактаби ойлантириб, қилса, барча учун фойдадан холи бўлмайди. Бунда маҳаллалардаги ариқ, зовурларни тозалаш, дарахтларни оқлаш каби ишларда маҳалла фаоллари раҳбарлигида бир ёқадан бош чиқариб, фаол иштирок этайлик. Хонадонма-хонадон юриб, маҳаллада кам таъминланган оилаларнинг ўз томорқаларида деҳқончилик билан шуғулланиб, ўзларини тиклаб олишга баҳоли қудрат ёрдам берайлик. Маҳалла миллатимизнинг ҳамжихатлигини мустаҳкамлайдиган, ўзаро тажриба алмашишни таъминлайдиган ноёб институт экани мана шундай хайрли ишларни ташкил этишда аяқол намоён бўлади-да!

Халқимизда “Ерни боқсанг — ер ҳам сени боқад”и, деган пурмаёв хикмат бор. Замин ҳалоллик, эътиборни талаб

қилади. Ким уни алдайман, деса, элни, ўзини алдаган бўлади. Қолаверса, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг “Кишининг ўз қули билан қилган меҳнати ҳамда ҳар қандай шубҳали ва хиёнатдан холи бўлган савдо”, деган ҳадисларига амал қилиб, фидойи меҳнат қилиб, ҳалол йўл билан ризқ-рўз топишимиз керак!

Азиз миришкор деҳқонлар ва томорқа ер эгалари!

Томорқадан даромад олиш маъқулми ёки уч қарра солиқ тўлашми?

— Яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмида асосис равишда қишлоқ хўжалиги экинлари эмаган ёки уни ободонлаштирмаган ер эгаларига нисбатан белги-ланган ер солиғи ставкасининг уч баробар оширилган миқдори қўлланилади;

— деҳқон хўжалиги юритиш учун уй-жой қуриш ҳуқуқисиз берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинлари эмаганларнинг унга бўлган эгаллик эҳқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади;

— экин ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиб, экин турларини тўлиқ эккан, агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажарган, йилга камидан икки ёки уч марта юқори ҳосил олган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини сақлаган ва кўпайтиришга эришган томорқа ер эгасига ер солиғи ставкасини пасайтирувчи солиқ имтиёзлари қўлланилади.

Мамлакатимизда “Илгор фермер”, “Меҳнаткаш деҳқон” ва “Намунали томорқачи” каби кўкрак нишонларининг

таъсис этилиши ҳам деҳқонларимиз меҳнатига бўлган эътиборнинг ёрқин далилидир. Бу — халқимизнинг дастурхонини обод, турмушини фаровон қилиш билан шуғулланаётган, яратувчанликка умрини, меҳрини бағишлаган азамат деҳқонларимиз учун муносиб эътирофдир.

Дарвоқе, сизнинг ўз томорқангизда бандлигингиз келажақда пенсия таъминоти бўйича иш стажы бўлиб ҳисобланиши учун ҳам аjoyиб имконият яратилган. Бунинг учун деҳқон хўжалиги ва 4 сотиқдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 тадан кам бўлмаган парранда парваришланган жисмоний шахслар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йилга энг кам ойлик иш ҳақининг томоққа ер эгалари миқдоридан сугурта бадала тўланган тақдирда, сугурта бадала тўланган йил меҳнат стажига киритилади.

Шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, қўчатлар ва сугорилиш воситалари харид қилиш учун “Томорқа хизмати” МЧЖ, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробаридан 10 баробаригача бўлган миқдорда субсидиялар берилади.

Ҳар бир туманда ташкил этилган “Томорқа хизмати” МЧЖлар ҳудуддаги томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, бунда, тупроқ-иқлим шароити ва сув билан таъминланганлик ҳолатидан келиб чиқиб, қайси турдаги экинларни экиш, парваришлаш, маҳсулотни йиғиб олиш ва уни сотиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатади.

Шунингдек, Кенгаш ҳузурида бир қатор хизматлар ташкил этилган. Хусусан, “Қишлоқ бизнеси учун маслаҳат

хизмати” унитар корхонаси консалтинг хизматлари кўрсатса, **Агро ахборот инновация маркази** фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илгор тажрибаларини жорий қилиш бўйича тавсиялар беради. **Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** эса сизларга уч йил муддатга, шу жумладан, 1 йилгача имтиёзли давр билан 2 фоизлик банк маржасини ҳисобга олган ҳолда йиллик 7 фоиз ставкада кредитлар беради.

Шижоатли, олижаноб фермерлар!

Сизларни томорқангизда оилангиз эҳтиёжи учун маҳсулот етиштириш билан бирга, хўжалигингиз ишчиларига ўз томорқасида деҳқончилик қилишлари учун ҳам кўмак беришга қаҳрамониз. Сизнинг бу борада кўрсатган ғамхўрлигингиз уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Унутманг, фермер хўжалиги ишчиларига кўрсатилган бундай эътибор ва ғамхўрлик сиз кузда оладиган мўл ҳосилга мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Азиз юртдошлар, томорқаларимизда сабазвот ва полиз махсулотлари, сарқил мевалар етиштириб, халқимиз дастурхонининг тўқин, ҳаётининг фаровонлигини таъминлаш йўлидаги имкониятларимиздан самарали фойдаланайлик!

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши.

QISHLOQQURILISHBANK

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ сизнинг бизнес гоингизни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий нуфузли банклар кредит линияларини тақлиф қилади.

Бунинг учун сиздан лойиҳанинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар билан Банкнинг бош офисида ташкил этилган Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш марказига ёки унинг минтақавий филиалларида жойлашган бўлимларига мурожаат қилишингиз сўралади.

«Commerzbank AG» (Германия) **Кредит маблағлари Германия ва Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР)га аъзо бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган техника ҳамда технологияларни харид қилишга йўналтирилади.**

Кредитнинг энг кам миқдори 1 000 000,0 евро эквивалентини ташкил этиши лозим.

Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда, 8,5 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин.

Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Еврибор / Либор + 2,0 % + банк устамаси миқдоридан (яъни суғурта харажатларини инобатга олган ҳолда, ерерда 6,0-7,0 % ва АКШ долларларида эса 9,0-10,0 % ни ташкил этади).

«KfW IPEX-Bank» (Германия) **Кредит маблағлари Германия ва Европа Иттифоқига аъзо бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган техника ҳамда технологияларни харид қилишга йўналтирилади.**

Кредитнинг энг кам миқдори 3 000 000,0 евро эквивалентини ташкил этиши лозим.

Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда, 10 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин.

Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Еврибор / Либор + 2,0 % + банк устамаси миқдоридан (яъни суғурта харажатларини инобатга олган ҳолда ерерда 6,0-7,0 % ва АКШ долларларида эса 9,0-10,0 % ни ташкил этади).

Хитойнинг Саноат ва тижорат банки **ICBC** **Хитойнинг Экспорт-импорт банки** **CHINA EXIM BANK**

Кредит маблағлари Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган техника ва технологияларни харид қилишга йўналтирилади.

Кредитнинг энг кам миқдори 10 000 000,0 АКШ долларини ташкил этиши лозим.

Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда, 10 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин.

Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Либор + 3,5 % + банк устамаси миқдоридан (яъни суғурта харажатларини инобатга олган ҳолда 9,0-10,0 % ни ташкил этади).

Кредит бўйича фойз ставкаси иллик 4,9 % ни ташкил этади.

Телефонлар: 78-150-93-39, 78-150-76-42. www.qqb.uz

Таълим Назорат

Биринчи Москва давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда марказ ташкил этилди

2018 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон ва Россия Президентлари ташаббуслари билан ташкил этилган Ўзбекистон — Россия таълим форуми икки давлат олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда ривожлантириш учун мустаҳкам асосга айланди.

Мазкур форум доирасида Тошкент тиббиёт академияси ва И. М. Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Ушбу ҳужжат мувофиқ, юртимизда Олий таълим муассасаларида ҳамкорлик маркази ташкил этилди.

Унинг очилишида И. М. Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети ректори Пётр Глибочка бошчилигидаги делегация ҳамда мамлакатимиздаги тиббиёт марказлари ва олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

— Мақсадимиз педагог кадрларини талабасини олиштириш, иқтидорли талабаларни танабл, уларга хориж амалиётини ўргатиш, давлат муассасалари учун етук мутахассислар тайёрлашдир, — дейди Тошкент тиббиёт академияси проректори Шўхрат Боймуродов. — Барча йўналишдаги бўлажак шифокорларимиз энди Биринчи Москва давлат тиббиёт

университети маълумотлар, адабиётлар базасидан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Ҳамкорлик доирасида Россиянинг профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларимизга маҳорат дарслари, маърузалар, амалий семинар машғулотлари ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу марказ профессор-ўқитувчилар, мутахассислар, ёш олимлар ва икки олий таълим даргоҳи талабалари ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион ҳамда технологик голяр, фикрлар алмашиш учун замонавий платформага айланади.

Тадбир доирасида олий ўқув юртли ўртасидаги ҳамкорлик низоми ҳам тасдиқланди. Унга кўра, яқин келажақда талабалар Россиянинг энг нуфузли тиббиёт ўқув юртида масофавий таълим олиш, клиник ординатура ва магистратурада ўқишни давом эттириш имкониятига эга бўлади.

Сурхондарё вилояти давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган 308 та хронометраж кўздан кечириш тадбири давомида бир кунлик тушум бир ҳафта олдинги даврдангача нисбатан 569 миллион 492 минг сўмга ошгани аниқланди. Бундан ташқари, 279 нафар фуқаро норасмий фаолият олиб бораётгани маълум бўлган.

Масалан, “Захро Камола” масъулияти чекланган жамиятига қарашли умумий оҳватланиш шохобчасида ўтказилган хронометраж кўздан кечириш тадбири чоғида уч кунлик тушум ўтган ҳафтанинг мос кунларидаги тушумга қараганда 17 миллион 787 минг сўм, яъни 5 баробар ошгани кузатилади.

Демак, айрим тадбиркорлар нақд пулни яшириш, савдо тушумини каймайтириб кўрсатиш ва ишчи-ходимларни норасмий ёллаш каби ноқонуний ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Бунга қонун тоқат қилолмайди.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 8-уйда жойлашган

«Ўзпахтаёғ» АЖ

(Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 3 ноябрда рўйхатга олинган, СТИР: 303 487 095) **тугатилаши ҳақида хабар қилинади.**

«Ўзпахтаёғ» АЖни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 январда имзоланган «Е-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»-ги қарори ҳамда «Ўзпахтаёғ» АЖ ягона акциядорлиги 2019 йил 18 февралдаги ҳулосаси асосида амалга оширилган.

Компания кредитлари мазкур эълон чоп этилган санадан эътиборан икки ой мобайнида ўз эътироз ва талабларини билдириш ҳуқуқига эга.

Кредиторлар талаблари қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 8-уй. Қўшимча тариқасида маълум қиламизки, тугатилаётган «Ўзпахтаёғ» АЖ ўрнида унинг барча мол-мулки ва бошқа воситалари, шунингдек, дебитор ҳамда кредитор қарздорликлар (кўчмас мулклар ва хўжалик субъектларининг устак капиталдаги акциялар пакети (улуши)дан ташқари) бўйича ҳуқуқий вориси сифатида «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси тузилмоқда.

Мурожаат учун телефон: 71-202-16-00 (ички: 109, 134).

«Ўзпахтаёғ» АЖ тугатиш комиссияси.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси илмий тадқиқот ишларини режалаштириш ва бухгалтерия бўлими бош ҳисобчиси уринбосари **Ҳазратқул РУСТАМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР **КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.** 9.00 дан 18.00 гача **71-232-10-63, 71-232-11-15.** E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 69 233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар: 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Д. Каримов. Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ў.А яқини — 21.35 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6